

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 21/2022

2022 йил “10” январ

Конимех тумани

**Давлат кадастрлари палатаси Навоий вилоят бошқармаси Конимех туман филиали**  
(ташкилот номи ва манзили)

(кейинги ўринларда “**Бажарувчи**” деб юритилади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи раҳбар **А.Қурбонов** ҳамда иккинчи томондан  
(Ф.И.Ш)

**Конимех давлат Ўрмон хўжалиги** (кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб  
номи ва манзили) (ташкилот

юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Д.Қурбонов**  
(Ф.И.Ш)

ушбу шартномани қуйидагича туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича “**Бажарувчи**”, “**Буюртмачи**”нинг буюртмасига асосан хизмат кўрсатади.

“**Буюртмачи**” эса ушбу кўрсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 “**Бажарувчи**” ва “**Буюртмачи**” учун:

(Бажариладиган ишнинг номи, маркаси, артикули)

Т/р	Бажариладиган ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Хажми (миқдори)	Нархи	Умумий суммаси
1	“Ченгелди ўрмон булими” Конимех туман Караката ОФЙ Караката массиви худуди Ер ажратиш хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун	дона	1	675 000	675 000
	<b>Жами :</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>675 000</b>

Сумма: 675 000 (Олти юз етмиш беш минг) сўм 00 тийин

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

“**Бажарувчи**” нинг мажбуриятлари:

2.1 Ишни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида “**Буюртмачи**” га сифатли ва ўз вақтида топшириш.

“**Буюртмачи**”нинг мажбуриятлари:

2.2 Ишни 3 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда “**Буюртмачи**” шу муддатда “**Бажарувчи**” га аниқланган номувофиқликлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборилади.

2.3 Шартномада белгиланган тартибда маблағлар тўланади.

### 3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1 Мазкур шартнома суммаси 675 000 (Олти юз етмиш беш минг) сўм 00 тийин ни ташкил этиб, ишнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2 Мазкур шартнома буйича ҳисоб-китоблар пул кўчириш йўли билан олдиндан 30% тўлаш, қолган қисмини иш қабул қилинган кунда бошлаб 10 кун давомида тўлаш йўли билан амалга оширилади.

3.3 “**Бажарувчи**” нинг айби билан “**Буюртмачи**” ишни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, белгиланган маблағни иш тўлиқ кўздан кечирилиб, қабул қилингандан сўнг тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

#### **4. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.**

4.1 Иш бажарилгандан сўнг “**Бажарувчи**” ва “**Буюртмачи**” топшириш–қабул қилиш далолатномаси тузиб имзолайди ва муҳрланади.

4.2 Ишни топширишдан бошлаб, келишилган муддатга қадар “**Бажарувчи**” сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.3 Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилади.

#### **5. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.**

5.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Навоий вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради.

5.2 Шартномани бажариш муддати 2022 йил “10” январдан бошлаб 2022 йил “31” декабр гача белгиланади.

#### **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1 Ишни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган тарафни зарарини тўлиқ қоплайди ва 0,5% миқдорда жарима тўлайди:

6.2 Тўловни кечиктирилганлиги учун «**Буюртмачи**», «**Бажарувчи**» га ҳар бир кечиктирилган кун учун, тўловни кечиктирилган қийматининг, лекин ушбу сумманинг 50%дан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.

6.3 Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.4 Мазкур шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### **7. НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛИШ.**

7.1 Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.2 Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин иқтисодий судига даъво аризаси орқали мурожаат қилинади.

#### **8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.**

8.1 Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган) лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

#### **9. БОШҚА ШАРТЛАР.**

9.1 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат хўжалик судининг қарорига биноан бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин.

Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олгандан сўнг 10 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиш мумкин.

9.2 Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

9.3 Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

9.4 Шартнома икки нусхадан тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

9.5 Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

### **ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

#### **“Бажарувчи”**

**Давлат кадастрлари палатаси Навоий вилоят бошқармаси Конимех туман филиали**

**манзилгоҳ: Конимех тумани Абай 13 уй**

**ТЕЛ: \_\_\_\_\_**

**ФАКС: \_\_\_\_\_**

**Х/р 20 210 000 504 397 507 001.**

**Банк номи Асака банк Навоий шаҳри**

**Банк коди (МФО) 00206**

**ИНН 205567923**

**ХХТУТ 71110**

**КТУТ 19903414**

#### **“Буюртмачи”**

**Конимех давлат урмон хужалиги**

**Юридик манзилгоҳ: Конимех т. М. Улугбек кўчаси 1 “А” уй**

**ТЕЛ: 79-512-20-60**

**ФАКС: \_\_\_\_\_**

**шх/р: 400121860122117042203142001**

**Банк номи РКЦ ГУ ЦБ г.Ташкент**

**Банк коди (МФО) 00014**

**ИНН: 200014087**

**Ғаз. бўлинмаси: Молия Вазирлиги Ғазначилиги**

**Ғазначилик 23402000300100001010**

**МФО 00014**

**ИНН 201122919**



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA  
№ 1385**

1. Huquqiy ekspertiza qilinayotgan loyihaning turi:

**Shartnoma.**

2. Loyihaning nomi:

**Konimex davlat o‘rmon xo‘jaligii va Davlat kadastrlari palatasi Navoiy viloyat boshqarmasi Konimex tuman filiali o‘rtasida 10.01.2022 yilda tuzilgan №21/2022-sonli shartnoma.**

3. Loyiha ishlab chiquvhisi va dasturga kiritilgan sana haqida ma‘lumot.

**Konimex davlat o‘rmon xo‘jaligii va Davlat kadastrlari palatasi Navoiy viloyat boshqarmasi Konimex tuman filiali tomonidan ishlab chiqarilgan va 10.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.**

Mazkur loyiha Konimex tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markazi tomonidan, O‘zbekiston Respublikasi 1998 yil 29 avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi sub'yektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunining 21-moddasiga asosan ushbu shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi va quyidagilar aniqlandi.

Loyiha O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi sub'yektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 10.07.2014 yildagi “Kadastr hujjatlarini tayyorlash bo‘yicha davlat xizmatlari narxlarini belgilashda tabaqalashtirilgan yondashuv tartibini takomillashtirish to‘g‘risida” qarori bilan tartibga solingan hamda shartnoma shartlari va taraflarning javobgarligi me‘yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilik talablariga mos keladi.

Yuqoridagilarga asosan quyidagicha xulosa qilindi,

**XULOSA**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni imzolash qonunchilikka muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**Sh.Bozorov**  
**10.01.2022 yil**